O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2010 йил 16 апрель, № 74 (4989) Жума


Қашқадарё вилояти:

## ЮКСАК МАҚСАДЛАРГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛЛАР

***"Йўл қурмоқ — савобли юмуш", дейди халқимиз. Дарҳақиқат, манзилимизни яқин, мушкулимизни осон қилувчи равон йўллару мустаҳкам кўприклар — ободлик тимсоли. Қувонарлиси, бундай хайрли ишлар эндиликда юртимизнинг олис қишлоғу овулларида ҳам кўплаб амалга оширилаётир.***

**Бунёдкорлик**

Хусусан, Қашқадарё вилоятида Президентимизнинг 2008 йил 28 февралдаги "Осиё тараққиёт банки иштирокида "Минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан қилинаётган кўламли ишлар бунинг ёрқин мисолидир. Бу каби хайрли амалларда вилоятнинг Ғузор туманида Японияниг "Комотцу" компанияси технологияси асосида фаолият бошлаган асфальт ишлаб чиқарувчи завод жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

— Мазкур корхонанинг замонавий технологияси маҳсулот сифати ва иш самарадорлигини оширишда қўл келмоқда, — дейди "Трансйўлқурилиш" давлат унитар корхонасига қарашли жанубий ҳудудий таянч пунктининг Ғузор тумани бўлими бошлиғи Умарали Назаров. — Гап шундаки, у соатига 165 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Шунингдек, электр ва газни ҳам тежамли сарфлайди. Натижада корхона маҳсулотининг таннархи тобора арзонлашмоқда. Шу боис ҳозирги кунда бир қатор қурилиш-таъмирлаш корхоналари билан маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланди.

**СУРАТДА:** корхона мутахассислари Фарҳод Холматов, Ҳусан Ҳамидов, Фаррух Мавлонов.

**Б. АКРАМОВ олган сурат.**



## СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

***Тошкентда бўлиб ўтган "Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)" мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция турли мамлакатлардан ташриф буюрган сиёсатчилар, иқтисодчилар ва олимлар учун ўзаро тажриба алмашиш майдонига айланди. Иштирокчилар ушбу тадбирда истиқболдаги иқтисодий ривожланиш имкониятларини нафақат глобал миқёсда, балки ўз давлатлари мисолида баҳолаш учун жуда қимматли маълумотларни олишганлигини эътироф этишди.***

## ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФГА САЗОВОР

### дейишмоқда хорижлик олимлар ва мутахассислар

**Чан БИНЬ, "Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё тадқиқотлари" таҳририяти раҳбари, профессор:**

— Ўзбекистон танлаган тараққиётнинг "ўзбек модели" барқарор ривожланишнинг энг тўғри йўли эканлиги бугун амалда исботланди. Халқингиз менталитети, бой маданияти ва тарихи ҳисобга олинган ҳолда, пухта ишлаб чиқилган бу йўл оқилона сиёсат, иқтисодий ривожланиш, жамият якдиллигига асосланганлиги билан, айниқса, эътиборга моликдир. Шу маънода, у мамлакатингизни буюк келажак сари босқичма-босқич олдинга ҳаракатлантираётган дастурилламалга айланди. Шу боис "ўзбек модели"нинг бундай ноёб ва бетакрор жиҳатларини қўллаш кўпгина чет давлатлар учун ҳам ҳар томонлама фойдалидир.

**Магди ДАЙФ, Миср Араб Республикаси Ахборот вазирлиги маслаҳатчиси, иқтисодчи:**

— Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастури жуда мукаммал яратилган, деб ҳисоблайман. Президент Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асари халқингиз учун эмас, балки ривожланаётган давлатлар учун ҳам бирдек муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз. Чунки унда инқироз таъсирини юмшатиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилган. Бу, биринчи навбатда, иқтисодий ривожланишни сақлаб қолиш, банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилаётгани билан, айниқса, аҳамиятлидир.

Яна шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, юртингиз мустақиллик йилларида оламшумул ютуқларни қўлга киритди. Очиғини айтиш керак, бундай даражага баъзи давлатлар юз йиллар давомида эришади. Бу давлатингиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган ривожланишнинг ўзбекона йўли ва унинг доирасидаги ҳаётий ислоҳотларнинг беқиёс самарасидир.

**Сугил ЮНГ, Миллий тадқиқот институти профессори (Корея):**

— Халқаро конференцияда таъкидланганидек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг энг оғир даври ортда қолди. Лекин дунё иқтисодиётининг кейинги тикланиш жараёни ҳам мураккаб кечиши ҳеч кимга сир эмас. Негаки, глобал муаммо деярли барча давлатларга жиддий таъсирини кўрсатди. Ўзбекистон бу жараёнда талафотсиз иштирокчилар қаторида эканлиги дунё ҳамжамиятининг қизиқишига сабаб бўлмоқда.

Кузатишларимга таяниб айтишим мумкинки, юртингизда глобал муаммонинг таъсири аввалдан илғаб олиниб, унга қарши мустаҳкам чоралар қўлланилди. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 2008 йилдаёқ ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури бунга мисол бўла олади. У ўзида инқирознинг олдини олиш, унинг таъсирини юмшатиш, энг асосийси, ундан кейинги даврдаги ривожланишнинг устувор йўналишларини қамраб олгани билан эътиборга молиқ. Шу боис тараққиётнинг Ўзбекистон стратегиясини атрофлича ўрганиш, ундан андоза олиш ҳар томонлама фойдалидир.

(Давоми 2-бетда).

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

***15 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.***

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлисини шу йил 7-8 майда Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига "Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2010 йил 26 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисида сўзлаган нутқининг, 2010 йил 27 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир" деган маърузасининг асосий қоидаларини рўёбга чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури тўғрисида"ги масалани, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга йўналтирилган бир қатор қонунларини, жумладан, "Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида"ги, "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги қонунлар, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 180 ва 275-моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонунларни киритиш мўлжалланмоқда.

Бўлажак ялпи мажлисда, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва демократлаштириш билан боғлиқ қонунларни кўриб чиқиш таклиф қилинди. Хусусан, "Суд экспертизаси тўғрисида"ги, "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунлар.

Булардан ташқари, Сенатнинг ялпи мажлисида давлат қурилиши ва бошқаруви, ташқи сиёсат соҳасидаги бошқа қонунлар ҳам кўриб чиқилади. "Архив иши тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси билан Уммон Султонлиги ўртасидаги ҳамкорлик ва алоқаларнинг асослари тўғрисида Шартномани (Маскат, 2009 йил 5 октябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонунлар шулар жумласидандир.

Шу билан бир қаторда, Сенатнинг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2009 йилдаги фаолияти тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахбороти ҳақидаги масалаларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг фаолияти тўғрисидаги ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ўтган йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини кўриб чиқиш режалаштирилмоқда.

Олий Мажлис Сенати ялпи мажлиси кун тартибига Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш тўғрисидаги масалалар ҳам киритилган.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг иккинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан махсус ишчи гуруҳ тузилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

## ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ — ҲИМОЯДА

***Кеча пойтахтимизда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташаббуси билан "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш: хизмат, сифат, талаб ва таклиф" мавзуида амалий семинар ташкил этилди.***

**Тадбир**

Унда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Архитектура ва қурилиш, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмиталари, "Ўзстандарт", "Ўзкоммунхизмат" агентликлари, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компанияси, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва бошқа тегишли ташкилотларнинг вакиллари ҳамда мутахассислар иштирок этди.

Тадбирда таъкидландики, юртимизда аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш масаласига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бунда, айниқса, 1996 йилда қабул қилинган "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Мазкур Қонун ижроси юзасидан олиб борилаётган тарғибот ишлари натижасида

(Давоми 3-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***АНДИЖОН. Хўжаобод туманидаги "Барчиной" корхонасида тайёрланаётган трикотаж маҳсулотлари бугун нафақат ички бозорда, балки Германия, Туркия ва Россия каби бир қатор мамлакатларда ҳам тобора харидоргир бўлиб бормоқда.***

### Хорижда ҳам харидоргир

Яқинда корхона жамоаси банкдан олинган 600 миллион сўмлик кредит ҳисобига туман марказидаги бўш ётган бинони қайта таъмирлаб, ўз фаолиятини янада кенгайтирди. Бу ерга хориждан замонавий 100 та тикув дастгоҳи олиб келиб ўрнатилди. Натижада ҳозир "Барчиной"да меҳнат қилаётганлар сони 200 нафарга етди.

Эътиборлиси, корхона жамоаси жорий йилнинг биринчи чорагида 400 миллион сўмлик маҳсулотни чет эллик мижозларга етказиб берди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

***ФАРҒОНА шаҳар Бандликка кўмаклашувчи маркази ҳамда шаҳар прокуратураси ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.***

### 400 киши ишли бўлди

Унда 82 та йирик корхона ва ташкилот билан бир қаторда, хусусий тадбиркорлик субъектлари 890 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмарка якунида 400 дан зиёд киши доимий иш билан таъминланди. Уларнинг асосий қисми Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонаси, "Фарғонаазот" бирлашмаси, "Ўзсаламан", "Автоойна", "Водийгазтаъминот", "Фарғонадон", "Фарғона Нон" каби корхоналар жамоалари сафига қўшилди.

**Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

***НАВОИЙ. Қизилтепа туманидаги Ўзбекистон маҳалласида қад ростлаган кўркам савдо мажмуаси қишлоқ кўркига кўрк қўшди.***

### Замонавий савдо мажмуаси

Тадбиркор Аваз Рўзиев раҳбарлигидаги "Қизилтепа-Турон" масъулияти чекланган жамияти бунинг учун 145 миллион сўм маблағ сарфлади. Айни пайтда бу ерда савдо дўкони билан бир қаторда, ўнлаб хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам фаолият юритмоқда.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқидаги миссияси раҳбари Бахтиёр Ғуломов Европа Кенгаши президенти Ҳерман Ван Ромпейга ишонч ёрлиғини топширди.

Европа Кенгаши президенти Европа томони иқтисодиёт, савдо, хавфсизлик ва бошқа кенг қамровли масалаларда Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш билдираётганини таъкидлади.

Европа Кенгаши президенти Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликнинг изчил ривожланиши ва алоқаларнинг мустаҳкамланишига умид билдирди.

**«Жаҳон» АА.**
Брюссель

## ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

***2009 йилда мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторига йўналтирилган кредит ресурсларининг умумий ҳажми 2000 йилдагига нисбатан***

**14 баробар ўсди.**

Бу маблағларнинг асосий қисми инфратузилмани шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш каби муҳим лойиҳаларга йўналтирилаётгани импорт ўрнини босувчи, айни пайтда экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ошириш имконини бераётир.



# ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФГА САЗОВОР

## дейишмоқда хорижлик олимлар ва мутахассислар

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Владимир МЕСАМЕД, иқтисод фанлари доктори, профессор (Исроил):**

— Иқтисодий таназзул оқибатида дунёда экспорт суръати кескин тушиб кетди. Ташқи бозорда кўплаб маҳсулотларга талаб камайиб бораётган оғир бир шароитда Ўзбекистонда экспорт ҳажми 2,4 фоизга кўпайгани кўпчиликнинг ҳавасини келтираяпти. Юртингизда саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, рақобатга чидамли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга устувор аҳамият қаратилаётгани бу муваффақиятларнинг омили бўлганига ишонч ҳосил қилдим. Айниқса, экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни бошқа давлатлар ҳам ўзлаштириши айни муддаодир.

Яна бир жиҳат бошқалар қаторида менинг ҳам эътиборимни тортди. Бу банк-молия тизимида инқирозга қарши мустаҳкам ҳимоя яратилганидир. Сир эмас, кўпгина давлатларда банк секторидаги ортиқча ликвидлилик оқибатида иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштиришда жиддий муаммолар юзага келмоқда. Юртингизда эса бу борада йил сайин ўсиш кузатилаяптики, ушбу жиҳатни ҳар қанча ўрганса, амалиётга татбиқ этса, арзийди.

**Дийтмар РЕДДИК, Қуйи Саксония Федерал Республикасининг Христиан-демократлар иттифоқи иқтисодий уюшмаси раҳбари (Германия):**

— Президент Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асари Германияда ҳам катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. У ўзида молиявий бўҳроннинг келиб чиқиш сабаблари, келтириши мумкин бўлган оқибатлари олдиндан илғаниб, уни юмшатиш бўйича ўткир йўналишларни қамраб олгани билан қимматлидир. Бу асарда белгилаб берилган устувор вазифалар мамлакатингиз иқтисодиётида барқарор ривожланиш кўрсаткичларини ушлаб қолишга хизмат қилаётганини бугун барча эътироф этаяпти.

Бу галги конференцияда Ўзбекистон тажрибаси чуқур ўрганилди ва айтиш мумкинки, инқироздан тез чиқишнинг янги йўлларини ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилди. Шундан келиб чиқиб, тадбир кутилганидек самарали бўлди, дейиш мумкин.

**Исо АЛИЕВ, Озарбойжон Фанлар академияси Иқтисодиёт институти директори, профессор:**

— Президент Ислом Каримовнинг конференция иштирокчиларига йўллаган табриги бошқалар қаторида мени ҳам беҳад хурсанд этди. Унда келтирилган иқтисодий кўрсаткичлар, ҳақиқатан ҳам, эътирофга лойиқдир. Чунки 2009 йилда юртингизда барча соҳалар бўйича жадал ривожланиш кузатилди. Энг асосий мезон — ялпи ички маҳсулот ҳажми 8,1 фоизга ўсди. Шу боис бугунги кунда хорижий давлатлар Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорлик ўрнатиш, ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдордир.

Шу ўринда нуфузли конференциянинг аҳамияти бениҳоя катта эканлигини таъкидламоқчиман. Унда Ўзбекистоннинг тажрибаси билан яқиндан танишиш, ибратли томонларини ўрганиш, татбиқ этиш учун қулай шарт-шароитлар яратилгани эса барча иштирокчиларни мамнун қилди.

**Ольга ПАВУК, "The Baltic Course" интернет журнали бош муҳаррири, иқтисод фанлари доктори (Латвия):**

— Халқаро экспертлар юртингизда эришилаётган ютуқларнинг асосий омили сифатида "давлат — бош ислоҳотчи" эканлигини қайд этишмоқда. Дарҳақиқат, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳаётга изчил татбиқ этилаётган янгиланишлар сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда бирдек юксак самара бераяпти. Масалан, конференцияда давлат бюджетининг тенг ярми таълим тизимини ривожлантиришга йўналтирилаётганини эшитиб, ҳавасим келди. Очиғи, буни кўпгина давлатлар орзу қилишлари мумкин, холос.

Тошкент ва Самарқанд шаҳрида бўлганимда, Президентингиз раҳбарлигида олиб борилаётган ислоҳотларнинг нақадар оқилона эканлигига яна бир карра гувоҳ бўлдим. Чунки глобал инқироз ҳукм сураётган бир пайтда халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган кўплаб мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари фойдаланишга топширилган. Таълим тизимига қаратилаётган бундай эътибор туфайли ўз соҳасининг етук мутахассислари тайёрланмоқда. Шу маънода, таълимга йўналтирилган сармоя фаровон келажакка хизмат қилишини чуқур англадим. Ислоҳотларнинг бундай афзалликларини кенг ёйиш, тажрибани оммалаштириш мақсадга мувофиқдир.

**«Халқ сўзи» мухбири Саид РАҲМОНОВ ёзиб олди.**

# ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ҚАНОТЛАРИ

***Макроиқтисодиётимиз 2009 йилда ўзига хос синовдан ўтди, жаҳон миқёсида глобал молиявий-иқтисодий инқироз кўплаб мамлакатлар халқ хўжалигига таъсирини ўтказган бир пайтда биз олға одимлашда давом этдик. Бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Давлатимиз раҳбарининг пухта ўйланган сиёсатини изчил жорий этиш инқироз таъсирини юмшатиш, ўсиш тенденциясини сақлаб қолиш имконини берди.***

***Қуш қанотсиз парвоз этолмаганидек, иқтисодий тараққиётни таъминловчи муҳим омиллар бўладики, уларни билиш, имкон қадар кенгроқ миқёсда татбиқ этиш умумишимизга наф келтириши муқаррардир.***

Шарҳ

### Модернизация

Ким ҳам замондан ортда қолгиси келади дейсиз? Умуман, инсон табиатида янгиликка интилиш, олдинда бўлиш устувор ҳаракат ҳисобланар экан. Шу мавзуда бошқача фикр ҳам бор: эринчоқлик, жон койитмаслик маълум тоифа одамлар феълига хос одат. Модернизация тушунчасининг илмий таърифига назар ташлайлик: объектни такомиллаштириш, яхшилаш, янгилаш, янгича талаб ва меъёрларга мос ҳолга келтириш.

Донишманд боболаримиздан ўтиб келган ўзбек нақли бор: "Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур". Маҳсулот ишлаб чиқарадиган замонавий дастгоҳлар, жиҳозлар, технологик жараён янги ютуқларни олиб келса, маҳсулот сифати аввалгиларидан кўра юқори бўлса — иш қуролининг соз бўлгани шу. Агар ишчи ишлатаётган дастгоҳ кўп йиллар олдин ўрнатилган, дам-бадам бузилиб асабга тегадиган бўлса, бундай жиҳозни даққиюнусдан қолган, деб таърифлашади.

Ўзбекистон дунёнинг энг пешқадам давлатлари сафидан жой олиши керак экан, бу мақсадга даққиюнусдан қолган техника воситасида эришиб бўладими? Бу саволга энг оддий фикрлайдиган одам ҳам "Йўқ" деб жавоб беради. Баъзан ҳайрон қоласиз: ўзини замоннинг олди одамларидан ҳисоблайдиган айрим раҳбарларга қарата: "Сиз қолоқсиз" десангиз, астойдил хафа бўлади. "У ҳолда, нега сиз раҳбарлик қилаётган корхонада ишлаб чиқаришни модернизациялаш жойидан қўзғамаяпти?" десангиз, гап тополмай қолади.

"Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ", деган ҳикмат бор. Модернизациянинг талаби — айнан замонавийлик йўлини танлаш. Мамлакатимизда бу вазифани қойиллатиб адо этаётганлар сафи тобора кенгаймоқда. "Namangan Qog`ozi" масъулияти чекланган жамияти жамоаси ўн йиллардан буён бекор ётган корхонани оёққа турғазди. Электродвигателлар алмаштирилди, кабеллар янгиланди, 2 та трансформатор кичик станцияси, компрессорлар мукаммал таъмирланди. Натижа нима бўлди дейсизми? Корхонада ишлар юришиб кетди, ҳозиргача 556 миллион сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот тайёрланди. Бундай ўзгаришга нима ҳисобига эришилди? Мутахассислар фикрича, корхонага инвестиция киритилганлиги туфайли ижобий силжиш рўй берди. Беихтиёр Президентимизнинг қуйидаги сўзлари ёдимизга тушади: "Инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди".

### Кооперация алоқаларини кенгайтириш

"Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас" — бу нақл ҳаётимизнинг ҳар қадамида тасдиғини топиб келмоқда. Юксак марраларни кўзлаганда, ҳар бир жабҳада кооперация алоқалари йўлга қўйилиши яхши самара беради. Тор манфаатларга берилиш, биқиқ шароитда иш юритиш кўзда тутилмаган қийинчиликлар, тўсиқларни келтириб чиқариши мумкин.

Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрдаги "Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига биноан, 2009 йилда Тошкентда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўтказилди. Ушбу тадбирлар ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва юқори самарадорликка эришишда муҳим омил бўлди. Негаки, у импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, корхоналар ўртасида кооперацион алоқаларни ривожлантиришга, ички бозорда маҳаллий товарлар ҳажмининг ўсишига, энг муҳими, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилиб келмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, анъанавий тарзда ўтказилаётган иккала тадбирнинг нуфузи тобора ошиб бормоқда.

Ахборот технологиялари мислсиз суръатларда тараққий этган ҳозирги замонда дунёдаги энг илғор тажрибаларни, интеллектуал мулк дурдоналарини ҳаётимизга татбиқ этишни, аввало, Ватан манфаатлари тақозо этади.

Андижон вилоятидаги "Al-hakim" кенг тармоқли ишлаб чиқариш-савдо фирмаси эришган натижалар билан "Ташаббус — 2010" кўрик-танловининг мамлакат миқёсидаги босқичида танишдик. "Ҳамкорбанк"нинг Андижон филиалидан олинган 86 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредит 2009 йилда 1 миллиард 218.958 сўмлик тушум келтирди. Бундай натижаларга кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳисобига эришилгани айни муддаодир.

### Экспорт салоҳиятини ошириш

Экспорт салоҳиятини ошириш учун нималар талаб қилинади? Малакали мутахассис, илғор технология, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот бўлиши зарурлигини ҳамма билади. Лекин ана шу шартлардан ҳам олдин экспортчи ўз Ватанининг чинакам фидойиси бўлиши лозим. "Экспорт — миллат шаъни", деган таъриф баландпарвоз ибора эмас. Тўғри, биз чет мамлакатлардан ҳам маҳсулот оламиз. Лекин тарози палласида импортдан кўра экспортнинг тоши салмоқ касб этса, ўша мамлакатнинг нуфузи шунга мутаносиб бўлади.

2009 йилда Ўзбекистонимизда экспортнинг ижобий сальдоси 2,3 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Экспорт ҳажми 2008 йилдагига нисбатан 2,4 фоизга ошди. Бу мамлакатимизнинг тўлов баланси ишончлилиги ва иқтисодиётимиз барқарорлигини янада мустаҳкамлаш имконини берди. Эндиги вазифа экспортдаги ўсишни 8,5 фоизга етказишдан иборат. Айни пайтда тайёр маҳсулотлар улушини ошириш устувор йўналиш қилиб белгиланган.

Уруғ унумдор ерга тушса, ҳарорат меъёрида бўлса, баравж кўкаради, дуркун ўсади. Экспорт салоҳияти ҳам қулай муҳитда амал олади. Бунинг учун Ўзбекистонда ҳар жиҳатдан мақбул шарт-шароит, мўътадил иқлим мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрда имзолаган "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармонида экспорт қилувчи корхоналарнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш ва экспорт учун қўшимча омилларни яратишда уларни қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ чоралар белгиланган. Шу мақсадда экспорт қилувчи корхоналарга айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш, уларга вақтинчалик солиқ имтиёзлари ва мавжуд кредиторлик қарзини реструктуризация қилиш имкониятлари берилмоқда.

Парвоз баланд ва ишончли чиқиши учун қанотлар мустаҳкам бўлиши керак. Мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати юксалиши йўлида юқорида тилга олинган омиллар муҳим аҳамият касб этади, албатта. Лекин бу талабларга бир-икки одам ёки гуруҳнинг амал қилиши кифоя эмас. Ўзини шу Ватаннинг фарзандиман деб ҳисоблаган ҳар бир юртдошимиз бу ишга аҳил ва ҳамжиҳатлик билан киришса, натижа ҳам шунга яраша бўлади. Шу юртнинг гуллаб-яшнаши, жаҳон ҳамжамиятида олдинги марраларни эгаллаши учун сиз ёнмасангиз, мен ёнмасам, у ёнмаса, ким ёнади?

Модернизация нафақат ишлаб чиқаришда, балки онгу тафаккуримизда ҳам содир бўлиши керак. Олижаноб мақсадларга фақат эзгу ва пок ният, янгиланган қарашлар билан эришиш мумкин.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

# ИЛМИЙ АНЖУМАН

***Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида "Ўзбекистонда тарих фани: 20 йилдан сўнг" мавзуида илмий анжуман иш бошлади. Унда соҳанинг етакчи олим ва мутахассислари, олий ўқув юртлари, коллеж, лицей профессор-ўқитувчилари, музей ва архив идоралари ходимлари иштирок этмоқда.***

Жараён

Маълумки, Истиқлолга эришилгач, Президентимиз томонидан мамлакатимиз тарихини холис, ҳаққоний ўрганиш, тадқиқ этиш юзасидан олимлар ҳамда соҳа мутахассислари зиммасига ўта масъулиятли ва шарафли вазифалар юклатилган эди. Шу асосда ўтган давр мобайнида кўплаб илмий изланишлар ва тадқиқотлар олиб борилди. Жумладан, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний сингари кўплаб буюк алломаларимизнинг маънавий мероси қайта тикланди, қадр топди. Соҳибқирон Амир Темур меросига муносабат тубдан ўзгарди. Қадимий шаҳарларимизнинг тўйлари катта тантана билан нишонланди.

Эътиборлиси, ёш авлодга тарих фанини ўқитишнинг илмий асослари тубдан қайта кўриб чиқилди. Шу жумладан, юртимиз тарихига оид тадқиқотларни ягона тизимга солувчи яхлит манбавий асос — "Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи" концепцияси яратилди.

Тадбирда шундай тадқиқотлар ҳақида фикр юритилар экан, унда ўз маърузалари билан иштирок этаётган тарихчи, археолог, этнограф, санъатшунос, шарқшунос олимлар билан бир қаторда, ёш, умидли тадқиқотчилар бундай изланишларнинг келажак авлод камолотидаги аҳамияти беқиёс эканини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Анжуман бугун ўз ишини давом эттиради.

**Саиджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Интилиш

***Бугунги кунда автомобилсозлик саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ривожланиб бораётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Зеро, Асака шаҳридаги "GM-Uzbekistan" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган автомобилларга нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам талаб тобора ортиб бормоқда.***





# АВТОМОБИЛСОЗЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Ҳозир бу ерда энг илғор технологиялар асосида тайёрланаётган "Нексия-2", "Дамас-150", "Матиз", "Ласетти", "Эпика", "Каптива" сингари енгил автомобиллар ўзининг қулайлиги ва замонавий дизайнларга эга эканлиги билан харидорларга манзур бўлаяпти. Эътиборлиси, кейинги йилларда корхонада автомобилнинг янги турларини ишлаб чиқаришга ҳам катта эътибор қаратилаяпти. Хусусан, айни кунларда бу ерда янги русумдаги "М-300" автомобиллар туркумини ишлаб чиқариш йўлга қўйилаётгани шундай изланишлар самарасидир.

**СУРАТЛАРДА:** корхона фаолиятидан лавҳалар.

**Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# «СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИ ИСЛОҲОТИ: АМАЛИЁТ ВА САМАРАДОРЛИК»

## тўплами чоп этилди

*Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Германия техник ҳамкорлик жамиятининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан биргаликда ташкил этилган "Суд-ҳуқуқ тизими ислоҳоти: амалиёт ва самарадорлик" мавзуидаги халқаро конференция материаллари тўпламининг тақдимоти бўлиб ўтди.*

Тўпламга олимлар ва мутахассисларнинг охирги беш йил мобайнида, яъни 2005 — 2009 йилларда суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш ва ҳокимият тизимида судларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар самарадорлиги ҳақидаги маърузаларининг тезислари киритилган.

Тўпламда мамлакат парламенти, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, илмий муассасалар, олий ўқув юртлари ва бир қатор халқаро ташкилотларнинг вакиллари бўлмиш 40 нафардан ортиқ муаллифнинг материали эълон қилинган. Бу материаллар мамлакатимизда судлов ишларини юритишда адолат ва инсонпарварлик принципларини рўёбга чиқариш, процессуал қонунчилик базасини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида суд-ҳуқуқ ислоҳотини янада чуқурлаштириш борасида амалга оширилаётган фаол қонун ижодкорлигининг моҳиятини ишонарли тарзда ва аниқ мисоллар, фактлар асосида ёритиб беради.

Тўплам мазмуни билан танишиш мамлакатимизда икки палатали парламент шакллантирилгач, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифати ва асослилигини яхшилаш учун реал имкониятлар яратилганлиги ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2010 йил 27 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида "...Парламентимиз суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқёсли ишларга ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Ўтган беш йил мобайнида қабул қилинган 58 та қонунга мувофиқ, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар янада чуқурлаштирилди. Шу даврда жиноий жазо тизимини либераллаштириш, амалда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш жараёнларига катта эътибор берилди. Адвокатура институти ислоҳ этилди. Суд қарорларини ижро этиш тизими, прокуратура фаолияти такомиллаштирилди, бутун суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштиришга қаратилган бошқа бир қатор чора-тадбирлар амалиётга татбиқ этилди. Мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида, шунингдек, фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида 2007 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари бутун дунёда улкан қизиқиш ва эътибор уйғотди. Мазкур чора-тадбирларнинг жорий этилиши билан Ўзбекистонда дунёдаги энг инсонпарвар, либерал жиноий жазо тизимларидан бири яратилди", деб таъкидлади.

Халқаро конференция қатнашчиларининг мақолаларида ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва судлов ишини юритишнинг аниқ натижаларига эътибор қаратилади. Бу натижалар суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини яққол кўрсатиб турибди.

Тўплам ўқувчиларни "Суд-ҳуқуқ тизими ислоҳоти: амалиёт ва самарадорлик" мавзуидаги халқаро конференциянинг тавсиялари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг ўтган беш йил мобайнидаги қонунчилик, назорат-таҳлил фаолияти ҳақидаги батафсил маълумотлар билан ҳам таништиради. Масалан, 2005 — 2009 йиллар мобайнида ушбу қўмита томонидан кўриб чиқилган 79 та қонуннинг еттитаси давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасига, 58 таси суд-ҳуқуқ ислоҳотига, еттитаси фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга тааллуқли бўлди ва ҳоказо. Шунингдек, қўмита томонидан Олий Мажлис Сенатининг бешта қарори лойиҳаси ва Амнистия актини қўллаш тўғрисида Низом тайёрланди.

Тўпламнинг тақдимотида сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Германия техник ҳамкорлик жамиятининг Ўзбекистондаги вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг масъуллари, олий ўқув юртларининг мутахассислари ва олимлари, вазирликлар, идоралар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

Яхши хабар

***"Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати" уюшмаси тизимидаги корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда сифатининг ошишига эришилмоқда.***

# ИЧКИ БОЗОРГА СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ

Бунга жорий йилнинг биринчи чорагида уюшма корхоналарида 18,2 минг тонна ҳидсизлантирилган, 22,8 тонна қадоқланган ва 7,8 минг тонна олий навли ёғ ишлаб чиқарилгани мисол бўла олади. Бу эса, табиийки, ички бозорни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконини бераётир.

Айни пайтда уюшма тизимидаги "Учқўрғон Соап экстракт" корхонасида қиймати 2 миллиард 337 миллион сўмлик бўлган ишлаб чиқариш тизимлари ўрнатилмоқда. Янги линия ишга тушгач, бу ерда хўжалик ва атир совуни ҳамда глицерин маҳсулотлари тайёрлана бошланади.

**Ф. КАЛОНОВ.**

# ФАТФ Ўзбекистонда қабул қилинаётган чораларнинг самарали эканини таъкидлайди

***Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида Жиноий даромадларни қонунийлаштиришга қарши кураш бўйича молиявий чораларни ишлаб чиқувчи халқаро Гуруҳнинг (ФАТФ) навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди.***

Бу — жиноий даромадларни қонунийлаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича коллектив чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида 1989 йилда Парижда ўтказилган "Катта еттилик" мамлакатлари саммити қарорига мувофиқ таъсис этилган ҳукуматлараро ташкилотдир. Айни пайтда 35 та давлат ФАТФга аъзо бўлиб кирган, бундан ташқари, 27 мамлакат, халқаро ва минтақавий ташкилотлар ФАТФнинг кузатувчиси мақомига эга.

Аввал хабар қилинганидек, 2009 йил АҚШнинг Питтсбург шаҳрида ўтказилган "Йигирматалик гуруҳи" саммити якунида эълон қилинган баёнотда жиноий даромадларни қонунийлаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш, шунингдек, мазкур масалалар бўйича халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлик қилмайдиган, хавф мавжуд бўлган мамлакатлар ва ҳудудларни аниқлаш борасида халқаро координацияни кучайтириш, халқаро молиявий тизимни мустаҳкамлаш ва уни тартибга солиш бўйича амалга оширилаётган чораларнинг муҳим таркибий қисми саналиши таъкидланди.

ФАТФнинг якуний расмий баёнотида 8 та давлат халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлик қилмайдиган, халқаро молиявий тизимга таҳдид ва хавф солувчи мамлакатлар ёки жиноий даромадларни қонунийлаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича миллий тизимида жиддий камчиликлар бор бўлган давлатлар сифатида белгиланди. ФАТФ ўз аъзоларига ушбу давлатлар томонидан амалга ошириладиган молиявий операциялар устидан мониторингни янада кучайтириш ҳамда миллий миқёсда хавфни камайтириш борасида муайян чораларни амалга оширишни тавсия қилди.

Бундан ташқари, жиноий даромадларни қонунийлаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича миллий тизимида жиддий камчиликлари борлиги боис яна 20 та давлат назорат остига олиниши лозим бўлган, бироқ миллий тизимини халқаро андозаларга мослаштириш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқаётган ёки амалга ошираётган мамлакатлар сифатида белгиланди.

Шу боис жиноий даромадларни қонунийлаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш соҳасидаги вазиятни ва турли давлатлар томонидан кўрилаётган чораларни ўрганиш, халқаро молиявий тизимга таҳдид солувчи ёки бу соҳада камчиликлари бор бўлган мамлакатларни аниқлаш ФАТФ ялпи мажлисининг асосий мавзуси бўлди.

Ялпи мажлисда жиноий даромадларни қонунийлаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган миллий тизим кўриб чиқилди.

ФАТФ раҳбари Паул Вландерен ўз маърузасида жиноий даромадларни қонунийлаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш борасида Ўзбекистонда амалга оширилган чора-тадбирларнинг бениҳоя самарадорлигини таъкидлаб, ФАТФ делегациясининг 2008 йил ноябрида Ўзбекистонга ташрифи мазкур йўналишдаги халқаро ҳамкорликни янада кучайтиришга ҳисса қўшганини қайд этди. Жиноий даромадларни қонунийлаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш борасида Ўзбекистон Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, БМТнинг наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, Жиноий даромадларни қонунийлаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича Евроосиё гуруҳи билан яқиндан ҳамкорлик қилаётгани алоҳида таъкидланди.

ФАТФ раҳбарининг қайд этишича, мазкур ташкилот жиноий даромадларни қонунийлаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда мувофиқлаштиришга оид қатор қонунлар ва низомларни ҳаётга татбиқ этиш борасида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган чора-тадбирларни юксак баҳолайди.

Мазкур нуфузли халқаро молиявий ташкилот ФАТФ томонидан Ўзбекистон олдига қўйилган барча масалалар ҳал этилди ва эндиликда Ўзбекистон ФАТФ назорат қиладиган давлатлар сирасига кирмайди, деган хулосага келганини маълум қилди. Бу, албатта, Ўзбекистонга бўлган юксак ишончнинг далолатидир.

Жиноий даромадларни қонунийлаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича халқаро саъй-ҳаракатларни ўзаро мувофиқлаштиришни янада кучайтириш, шунингдек, мазкур масалада ҳамкорлик қилмаётган мамлакатларга нисбатан тегишли чоралар кўриш масалалари "Йигирматалик гуруҳи"га кирувчи давлатларнинг 2010 йил апрель ойидаги Вашингтон (АҚШ) учрашуви ва шу йилнинг июнь ойида Канадада бўлиб ўтадиган саммити кун тартибидан жой олган.

**«Жаҳон» АА.**

## Давра суҳбати

***Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда "Экосан" халқаро ташкилоти ҳамкорлигида "Баркамол авлодни тарбиялашда экологик онг ва экологик маданиятнинг ўрни" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

# ТАБИАТНИ АСРАШ — БУРЧИМИЗ

Унда мутахассислар томонидан ёшларимизни бундай муҳим масалаларга чуқуррoқ ёндашишга, табиатга бўлган муносабатларини янада яхшилашга ундовчи маърузалар ўқилиши баробарида, бугунги кунда дунёда кузатилаётган экологик вазият ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамиятини ўйлантираётган муаммолардан бири атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга эътибор масаласидир. Зеро, экологиянинг ёмонлашуви нафақат ҳайвонот ёки ўсимликлар оламига, балки инсон саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатаётир, кўплаб иқтисодий муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бунга биргина Орол фожиаси мисол бўла олади. Шу маънода, ушбу йўналишдаги амалий ҳаракатларни жадаллаштириш зарур.

Тадбир давомида экологик муаммолар хусусида ҳикоя қилувчи "Харитага кирмаган саҳро" номли ҳужжатли фильм намойиш этилди.

**Лазиза СУЛТОНОВА.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Нуқсонли машиналар

***"Mazda Motor" автомобилсозлик компанияси Япония ва Хитой бозорларида сотилган қарийб 90 минг дона "Mazda 3" русумли автомашинани қайтариб олади.***

Яна 191503 та шундай автоулов эса яқин фурсат ичида қайтарилиши режалаштирилмоқда. Корхона вакилининг сўзига кўра, мазкур автомобилларнинг ёнилғи узатиш тизимига нотекис йўлларда тез шикаст етиши мумкин. Табиийки, бу ҳайдовчи ва йўловчилар ҳаёти учун хавф туғдиради. АҚШ бозорида сотилган машиналарда эса бундай нуқсонлар йўқлиги айтилмоқда. Чунки улардаги шу каби эҳтиёт қисмлар мукаммалроқ ишланган.

### Эҳромлар сири аниқми?

***Маълумки, бир неча асрлардан бери Миср эҳромларининг бунёд этилиши жараёни кўпчиликни қизиқтириб келади.***



Табиийки, бунга мазкур улкан иншоотларнинг қурилиши билан боғлиқ маълумотлар сақланиб қолмагани сабаб бўлмоқда. Уларни ўрганиш борасида кўплаб тадқиқот гуруҳлари ташкил этилган бўлса-да, мутахассислар мазкур жумбоққа ҳамон аниқ жавоб топишганича йўқ эди. Яқинда эса эҳромларнинг қурилиши борасида янги қарашлар оммага ошкор этилди. Унда келтирилишича, ушбу иншоотларни бунёд этишда тошга айланадиган суюқликдан фойдаланилган. Яъни белгиланган шакл олдиндан ясалиб, унга махсус қотишма қуйиб борилган. Ҳозир бу янгилик экспертларнинг қизиқишига сабаб бўлмоқда.

Уларнинг фикрича, қурилиш техникаларисиз ўша замонларда бу каби бунёдкорлик ишлари шундай йўл билан амалга оширилган бўлиши мумкин.

### Газ конлари сотувда

***Ироқ ҳукумати жорий йилда мамлакатдаги учта табиий газ конини сотишга қарор қилган.***

Бу ҳақда "ИТАР-ТАСС" агентлигига мамлакат нефть вазирлиги вакили Сабаҳ ас-Саиди маълум қилган. Унинг сўзларига кўра, мазкур табиий бойликлар хорижий инвесторларга сотилиши кўзда тутилмоқда. Маълум бўлишича, ушбу конлар мамлакат шарқи, ғарби ва жанубида жойлашган.

Эслатиб ўтамиз, ўтган йили ҳам улардан бири — Сиба газ конининг сотилиши эълон қилинганди. Аммо ўшанда унга бирорта компания томонидан қизиқиш билдирилмаган эди.

### Сайёҳлик соҳаси жонланмоқда

***Хабарларга қараганда, жаҳон сайёҳлик соҳасида ҳам аста-секин жонланиш кузатилмоқда.***

Хусусан, дунёнинг етакчи туристик марказларидан бири саналган Кипр мамлакатида ҳозир сайёҳлар ташрифи сезиларли даражада ортган. Март ойида бу ерга дам олишга келганлар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 14,8 фоизга кўпайган. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса 205 минг сайёҳ Кипрда ҳордиқ чиқарган. Айтиб ўтамиз, бу сўнгги ўн беш ойдан бери қайд этилган илк ижобий ҳолатдир.



Экспертларнинг фикрича, мазкур соҳада ўсиш қайд этилиши мамлакат иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки Кипр ялпи ички маҳсулотининг 12 фоизи сайёҳлик тизими ҳисобига тўғри келади.

### Инқирозни биргаликда енгишмоқчи

***Испаниянинг "Iberia" ва Буюк Британиянинг "British Airways" авиакомпаниялари молиявий инқирозни бартараф этиш мақсадида бирлашишга келишиб олишди.***

Ҳозирда бу компаниялар ўртасида қўшилув битими имзоланган ва мазкур жараён йил охирига қадар якунланиши мўлжалланмоқда. Келишувга кўра, ушбу йирик компанияга "International Airlines Group BA" номи берилиб, унинг 55 фоиз акцияси Буюк Британия томонидан бошқарилади. 408 та самолёти бўлган янги компания йилига 58 миллион йўловчига хизмат кўрсатиши кутилаяпти.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

## Молия муассасаларида

***Тошлоқ туманидаги Варзак қишлоғилик Раҳматилло Камоловнинг "Тошлоқ-Барокат" масъулияти чекланган жамиятига қарашли савдо дўконида шу кунларда харидорлар гавжум. Сабаби, бу ердан мижозлар маҳсулотларни пластик карточкага харид қилишлари мумкин. Яна бир эътиборли жиҳати, пенсионер ва ногиронларнинг нафақа пуллари шу ернинг ўзида пластик карточкаларга ўтказиб берилаяпти. Бу ишларни "Агробанк"нинг туман филиали жамоаси намунали амалга оширмоқда.***

# «ПЛАСТИК КАРТОЧКА — ИШОНЧЛИ ҲАМЁН»

**Тошлоқлик мижозлар ана шундай фикр билдиришмоқда.**



— Энди қишлоғимизда яшовчи 3000 нафардан зиёд фахрийлар, турли табақадаги нафақахўрлар рўзғорбоп маҳсулотларни сотиб олиш учун шаҳарлардаги савдо дўконларига қатнаб, овора бўлишмайди, — дейди дўкон мудири Холмурод Тўйчиев. — Фахрийларга қулайлик яратиш мақсадида дўконни қайтадан таъмирлаб, кенгайтирдик. Замонавий мебеллар билан жиҳозладик. Дўконимиздан 300 турдан зиёд маҳсулотлар, хусусан, 200 хилдаги озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш мумкин. Қувонарлиси, уларнинг аксарияти қишлоқдаги фермерлар, томорқа эгалари томонидан етиштирилган. Агар илгари дўконда кунига 200-300 минг сўм савдо қилинган бўлса, терминал ўрнатилиши билан кундалик савдо тушуми 1 миллион сўмдан ошиб кетди.

— Пластик карточка ишончли, қулай экан, — дейди шу қишлоқнинг Бектўпи маҳалласида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Комилжон ота Каримов. — Келинларим кир ювиш тараддудига тушиб, "Хўжалик совуни, кукуни йўқ", деб қолишди. Мана, пластик карточкага бир зумда харид қилдим. Илгари шунга ҳам овора бўлиб, туман марказига қатнардик. Уларнинг нархи анча арзонлигини айтмайсизми?!

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2006 йил 3 августдаги "Пластик карточкалар асосида накд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари асосида амалга оширилаётган ишлар қишлоқларда ҳам шундай замонавий, қулай имкониятларни яратиб берди.

— Вилоят бўйича бугун 5,5 мингта терминал ўрнатилган бўлиб, бу кўрсаткич 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 2,5 баробар кўпдир, — дейди Марказий банк вилоят бошқармаси бошлиғи Валижон Тўраев. — Яна 140 та терминал ўрнатиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, жорий йилнинг 2 ойида 585 минг дона пластик карточкалар тарқатилди. Унинг қулайлиги, исталган жойда ишлатиш мумкинлиги банк мижозлари узоғини яқин, оғирини енгил қилаяпти. Масалан, Қува туманида ҳам нафақа пулларини пластик карточкалар орқали тўлаш тизими яратилганлиги ижобий самара бераяпти.

Эътиборлиси, туманда истиқомат қилувчи пенсионерларнинг аксарияти "Агробанк" мижози ҳисобланади. "Агробанк"нинг туман филиали "Тошлоқ-Барокат" МЧЖ билан ҳамкорликда пластик карточка воситасида савдо қилувчи ўн битта дўкон фаолиятини йўлга қўйди. Бунинг қулай жиҳатлари жуда кўп. Жойларда уларга ўз вақтида хизмат кўрсатиш мақсадида банк, ижтимоий таъминот ҳамда почта идоралари томонидан масъул вакиллар бириктирилган. Айни пайтда 1000 нафардан зиёд пенсионерга банк томонидан пластик карточкалар етказиб берилиб, нафақа пуллари қулай; ишончли усулда тўланиши йўлга қўйилди.

Дўконлардаги маҳсулотлар бозор нархидан бирмунча арзон. Бунинг асосий сабаби, тумандаги фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар тўғридан-тўғри савдо дўконлари орқали сотилаяпти. Жумладан, гўшт ва парранда маҳсулотлари тумандаги "Камраҳ" фермер хўжалиги, сут ва сут маҳсулотлари "Мўътабар" сут ишлаб чиқариш кооперативи, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари эса тумандаги сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари томонидан етказиб берилмоқда. Шунингдек, яқинда банк бўлими томонидан 100 миллион сўм миқдорида ажратилган имтиёзли кредит ҳисобига аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган озиқ-овқат ҳамда бошқа истеъмол товарлари олиб келинди. Натижада янги ташкил этилган савдо дўконларида пластик карточка воситасида кунига ўртача 14-15 миллион сўмлик савдо амалга оширилмоқда.

"Тошлоқ-Барокат" масъулияти чекланган жамияти эса бундай дўконлари орқали туманнинг ҳар бир қишлоғи, маҳалласига кириб бормоқда.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ — ҲИМОЯДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

аҳолида истеъмолчилик маданияти тобора юксалиб бораяпти. Буни кейинги йилларда истеъмолчиларнинг ариза ва мурожаатлари кўпаяётгани мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Жумладан, ўтган йили қўмита ва унинг ҳудудий бошқармаларига келиб тушган мурожаатларнинг 39 фоизи коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар, 31 фоизи савдо, умумий овқатланиш муассасалари, 13 фоизи транспорт, алоқа ва коммуникация тизими, 17 фоизи эса бошқа соҳалар ҳиссасига тўғри келди. Натижада 101,4 миллион сўм миқдоридаги маблағ истеъмолчилар фойдасига ундириб берилди.

Лекин шундай бўлсада, ҳамон ўз ҳақ-ҳуқуқларидан фойдаланишни билмайдиган ёки талаб қилишга истиҳола қиладиган фуқаролар ҳам йўқ эмас. Демак, маҳсулот, иш ва хизматларнинг сифати ҳамда хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларни, умуман, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳужжатларнинг тарғиботини янада кучайтириш, назорат қилувчи органлар ҳамкорлигини ҳар қачонгидан-да мустаҳкамлаш лозим.

Семинар асносида ана шулар хусусида фикр юритилиши баробарида, қўмита мутахассислари томонидан чоп этилган "Истеъмолчи қўлланмаси" китобининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Айтиш жоизки, ушбу қўлланма кундалик турмушимизда энг фаол муносабатда бўладиган телефон, почта алоқаси, тиббиёт, савдо, мобиль алоқа, меҳмонхона сингари йўналишларни қамраб олгани ҳамда хизмат кўрсатувчининг мажбуриятлари, истеъмолчи манфаатларига доир кенг тушунча, изоҳ ва тавсиялар берилгани билан аҳамиятлидир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


IPOTEKA BANK

«Ипотека-банк»

акциядорлик тижорат ипотека банки

**банкнинг бешинчи қўшимча чиқарилув акцияларини «Тошкент» Республика фонд биржасининг бирламчи очиқ савдоларига чиқариш учун банк акцияларининг бозор баҳосини аниқлаш мақсадида, мустақил баҳоловчи ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади.**

Ушбу танловда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси томонидан берилган лицензияга эга бўлган барча баҳоловчи ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

Ариза берувчилар 2010 йил 22 апрель соат 16.00 га қадар «Ипотека-банк»и АТИБ, 100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, (собиқ Пушкин кўчаси), 17-уй манзилига ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси томонидан берилган лицензия нусхаси (нотариал тасдиқланган);*
- *баҳоловчи ташкилотнинг таъсис ҳужжатлари (устави) нусхаси (нотариал тасдиқланган);*
- *давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси (нотариал тасдиқланган).*

Аризада кўрсатиладиган хизматлар шартлари ва нархлари батафсил баён этилиши лозим.

**Қўшимча маълумотлар учун телефон: (8-371) 150-89-52, 150-98-19.**



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача 236-09-25


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Сифат" маркази жамоаси Хоразм ҳудудий лабораторияси бошлиғи Муҳаммад Собировга ўғли

**УМИДЖОНнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика "Оила" илмий-амалий маркази жамоаси катта илмий ходим Наргиза Хонқуловага акаси

**Ҳамид ХОНҚУЛОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

"O`qituvchi" нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Гулнар Джусипбаевага падари бузруквори

**ҚУРБОН отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент молия институти ректорати ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси Бизнес ва иқтисодиёт кафедраси доценти Ботир Маҳмудовга онаси

**РАҲИМА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



# ЭНГ ГУЛЛАГАН ЁШЛИК ЧОҒИМДА



**Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги байрами арафасида Президентимизнинг Термиз давлат университетининг янги муҳташам ўқув биносини фойдаланишга топширишга бағишланган тантанада "Сурхон воҳасининг ёшлари ҳам ҳеч кимдан кам эмас. Улар ўз имкониятларини тўла рўёбга чиқариши учун барча шароитларни яратиш зарур", дея алоҳида таъкидлаганлари ёш авлод баркамоллиги йўлидаги яна бир бекиёс ғамхўрлик бўлди. Бу ғамхўрликдан илҳомланган навқирон йигит-қизлар Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, эл-юртнинг ишончини оқлаш, Ўзбекистон довруғини жаҳон бўйлаб улуғлашдек эзгу мақсад билан яшамоқдалар.**

**Ўша файзли мулоқотларда Юртбошимиз Сурхондарёни мамлакатимизнинг жанубдаги гавҳарига айлантириш ғоясини илгари сурди. Термизда лойиҳа қиймати 2,5 миллиард сўмлик "Бахт уйи" кошонасини қуриш, Олимпия захиралари касб-ҳунар коллежи қошида 10 минг кишилик стадионни бунёд этиш, "Ёшлар маркази" биносини барпо қилиш, таълим-тарбия муассасалари, спорт иншоотларини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, ёшлар учун етарли иш ўринлари очиш сингари эзгу режалар белгиланди.**

**Сурхон ёшлари бугун шу қутлуғ жараёнлар ичра жавлон урмоқдалар. Шу азиз юртга камарбаста бўлиб, камолот марралари сари қадам ташламоқдалар. Саҳифамизда ана шундай ёшлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қиламиз.**

Ифтихор

## «ҚУЁШДЕК МЕҲРИБОН ВАТАНИМ — ОНАМ»

*Вероника Володина... 1994 йилда Қизириқ туманида туғилган. Бойсун туманидаги 10-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг 8-синф ўқувчиси. 11 ёшда Бойсундаги 12-Меҳрибонлик уйига келган. "Қуёшдек меҳрибон Ватаним — онам. Юртбошим мураббий. Бошимни силаган падари бузрук", деб бир қувнаб, бир жўшиб шеър ўқий бошлаганидами, мурғак қалбнинг бахтидан қароғингизда шодлик уммонлари тошгандай бўлади.*

**2010** йил Вероника-нинг ҳаётида ёрқин зарварақ очди. Президентимиз қарорига кўра у Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Меҳрибонлик уйига келганида у камгап, тортинчоқ эди. Руҳияти синиқдек кўринарди. Шаҳноза опаси (тарбиячи) "Кийимларинг, қизалоғим, ўзингга бунчалар ярашмаса. Мовий кўзларингдан, гулдек юзларингдан ўргилиб кетай", деб кўнглини кўтарди. "Уйда баҳорий сомса пиширувдим. Сенгаям олиб келдим. Мана, еб олгин," деб бағрига босди.

Устози Сурайё опа Вероникaнинг қувваи ҳофизаси баландлигини, зеҳни ўткирлигини, фаҳми зукколигини вақтида илғади. Уни "Миллий рақс", "Фольклор мусиқаси", "Қўғирчоқ", "Нафис санъат" тўгаракларига тортди. Машғулотларга у тез киришиб кетди. Овози тиниқлиги, ҳаракатларининг бежиримлиги, сабоқларни тез ўзлаштириб олиши билан эътиборга тушди.

Меҳрибонлик уйининг соғлом муҳити, Азиза, Лобар, Радҳа сингари ўнлаб дугоналарининг самимияти, дарсхоналарнинг яшнаб туриши, шинам спорт зали, покиза ётоқхона, ҳовлида жиҳозланган "Эртаклар боғи", "Хитой хиёбони", амфитеатр мажмуаси, кумуш фавворалар — ҳамма-ҳаммаси эртаклардагидек сеҳрли эди. Ана шу ажиб муҳит оғушида Вероника мурғак қалбига соя солиб тургандай бўлган кечаги кун хотираларини унутди. Илму санъат уммони узра кулоч ёзди. 2007 йили "Камолот маликаси" спорт мусобақасида, 2008 йили "Дўппи тикдим ипаклари тиллодан", 2009 йили "Оқила қизлар" танловида 1-даражали дипломларни қўлга киритди.

Вероника математик мисол ва масалаларга уч-тўрт хил усул билан тўғри ечим топа билади. Радиотехникага қизиқади. Дунёнинг ҳайвонот жуғрофиясига оид китобларни яхши кўради. Мусиқанинг лад, ритм, метр, гармония каби ифода воситаларини таҳлил қила олади. Ўндан ортиқ халқларнинг рақсларини табиий жозиба билан ижро этади. Вероника "Камалак жилоси" республика кўрик-танлови лауреати, "Мен ва менинг ҳуқуқларим" иншолар танлови ғолиби, II республика болалар форуми иштирокчиси ҳамдир.

"Бизнинг мамлакатимизда болалар кўчада қолганини кўрганмисиз? Болалар, ёшлар Ватаннинг қайноқ бағрида ўсиб-улғаяди. Ногирон болаларга ҳам бизда илму таълим берилади. Касб-ҳунарга ўргатилади. Вояга етиб ҳам меҳр-меҳрибонлик оғушида туради.



Боласини, фарзандини бошига кўтарган Ўзбекистондай улуғ Ватан, гулшан қароргоҳ қайда бор? Билимим, маҳоратим, санъатим, вужудим, бутун умрим ила муборак хизматларингда бўлай, она юртим, жонажон юртим".

Бу ҳароратли сўзлар Вероникaнинг бир иншосида битилган. Бу сўзлар, табиийки, унинг ўз эли олдидаги аҳд-паймони бўлиб қолажак.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Рақамлар сўзлайди:

- Сариосиё, Узун, Денов, Жарқўрғон, Музработ туманлари ва Термиз шаҳрида ташкил этилган Ёшлар ижтимоий хизматлари марказларининг **2000** дан зиёд қатнашчиси касб-ҳунар ўрганиб, мутахассисликлари бўйича билимларини оширмоқдалар.
- Анъанавий "Бунёдкор" меҳнат гуруҳлари лойиҳаси доирасида 2009 — 2010 йил давомида **300** нафардан кўпроқ йигит-қизни уюштирган меҳнат жамоалари шакллантирилди. Жамоалар вилоятнинг зарбдор қурилишларида, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаол иштирок этишаяпти.
- Вилоятда **410** дан зиёд спорт зали, **9** та болалар спорт мажмуаси, **4** та болалар футбол мактаби бор. Ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш мақсадида шу йилнинг ўзида **40** дан ортиқ спорт мусобақаси ўтказилди.
- Ҳамкор ташкилотлар билан ҳамжиҳатликда ўтказиб туриладиган "Қадрият, урф-одат ва ёшлар", "Миллий ўйинлар" фестивалларида **10** минглаб ёшлар иштирок этмоқдалар.
- Иқтидорли ва истеъдодли болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Фонд Форум" жамғармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган "Келажак овози" кўрик-танловида вилоятдан Умида Сувонова публицистика, Фаррух Нурматов ахборот технологиялари йўналишлари бўйича республика босқичи ғолиби бўлдилар.

ФАХР

**"Аср мўъжизаси" дея ном қозонган, узунлиги 223 километрлик "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўли халқимиз чиндан ҳам фахрланса арзийдиган ноёб ва бетакрор қурилиш бўлди. Айни пайтда бу ёшларимиз ҳаётида ҳам катта воқеа саналмоқда: Дарбанд, Бойсун, Қумқўрғонда йўловчиларга намунали хизмат кўрсатадиган замонавий бекатлар қад ростлади.**

## ҲАМ ҒУРУР, ҲАМ ҚУВОНЧ БАХШ ЭТАДИ

Дарбанд қишлоғида янги умумтаълим мактаби, транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи, ёшлар учун янги уй-жойлар қўрғони бунёд этилди. Юзлаб ёш темир йўлчилар ва хизмат соҳасининг мутахассислари муқим иш ўринларига эга бўлдилар.

Тошкент темир йўл муҳандислари институтини битириб келганимга ҳали бир йил бўлгани йўқ. Ҳозир "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТКнинг Термиз минтақавий темир йўл узелида станция навбатчиси бўлиб ишлаяпман.

Кейинги пайтларда станцияларга кабель тизими ўтказилиб, алоқа компьютер мажмуаси ўрнатилди ва республиканинг ягона диспетчерлик марказига уланди. Бу поездлар таркиби ва уларнинг ҳаракатланиши ҳақидаги маълумотларни тезкор ва аниқ қабул қилиш ҳамда узатиш имкониятларини сифат жиҳатдан яхшилади. Бекатларимизда йўловчиларга республикамизнинг барча йўналишлари, шунингдек, бошқа давлатларга қатновчи поездлар учун чипта сотиш йўлга қўйилгани, кутиш ва дам олиш залларининг шинамлиги, бекатлар кундан-кунга чирой очиб бораётганидан дилларимиз яйрайди.

Одамларимизнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилишга шу юрт фарзанди сифатида муносиб улуш қўшаётганимдан хурсандман.

**Ислом ЛОЛАЕВ,**
**ёш темир йўлчи.**



Раъномисиз, Зебомисиз...
гулшан аро гулчеҳралар.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ сурат-лавҳаси.**

Қадрият

*Отам Ашур Норовнинг санъатга иштиёқи баланд. Тор чертиб, мумтоз қўшиқларни ижро этади. Болалигимдан мусиқага, халқ оғзаки ижодига қизиқишим — шундан. Ўн ёшимда қўлимга дўмбира олдим. Термалардан, достонлардан айтганларим Ўзбекистон халқ бахшиси Қора бахши Умировнинг эътиборини тортди. У кишига шогирд тушдим.*

## ДЎМБИРАМНИНГ ДОВРУҒИ

Қора бахшидан ўрганганларимни шунчаки такрорлаш камлик қилар эди. Ўз устимда кўпроқ ишлашим, иқтидоримни сайқаллаб боришим лозимлигини тушундим. Халқ қўшиқларига мумтоз қўшиқчилигимиз оҳангларини сингдиришга, уйғунлаштиришга ҳаракат қилдим. Юртбошимизга раҳмат — биз, ёшларга давлатимиз томонидан юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Ана шундай ғамхўрлик самараси ўлароқ, "Ниҳол" мукофоти совриндори бўлдим.

Бахшилик — санъатнинг қадимий тури, ёшу қарининг, бобою момоларимизнинг қалбида сайқал топиб келаётган жавоҳир. Ҳозир мен Тошкент давлат маданият институтининг 4-босқич талабасиман. Бахшилик санъатининг тарихини, бири-бирига ўхшамайдиган ижро йўлларини, унинг маданиятимиз, санъатимиз ривожидаги беқиёс ўрни-аҳамиятини ўрганаяпман. Ўрганганим сайин қалбимда аждодларимиз қолдирган маънавий меросга қизиқишим ва эҳтиромим ошиб бораяпти. Зеро, санъатимиз ана шундай сеҳрли ва жозибалидир.

**Илҳом НОРОВ,**
**«Ниҳол» мукофоти совриндори.**

Спорт

**Мен Жарқўрғон туманидаги "Ҳақберди Норбой ўғли" кураш клубининг аъзосиман. Клубимиз 2002 йилда таъсис этилган. Ўшанда ўн икки ёшда эдим.**

## Камолот мактаби

Машғулотларга олдинига шунчаки вақт ўтказиш учун қатнаб юрдим. Кейинчалик устозларимнинг астойдил ўгитларию жонкуярлик билан шуғуллантиришлари туфайли менда спортга чексиз меҳр уйғонди. Спорт — соғлом турмуш тарзининг, соғлом тафаккур юргизишнинг бир ифодаси эканлигини англаб етдим. Шу орқали атрофимдагиларни ва ўзимни қандай ҳурмат қилиш лозимлигини ўргандим.

Спортни мен, айниқса, ўсмирлар, ёшлар учун камолот сабоғи, деб биламан. Биламанки, бу дарсхонага қатнаганларнинг қалби кибру ҳаводан бегона, самимий, одамохун, ёрдамини бошқалардан аямайдиган одамлар бўлади. Шундайлардан бири, масалан, устозим, аёллар ўртасида кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони, спорт устаси, республика тоифасидаги ҳакам, клубимизнинг собиқ аъзоси Манзура Турсунова. Чақалоқлигида онаси вафот этиб, Манзура опани Ҳалима Турсунова деган холаси тарбиялаган. Оқ ювиб, оқ тараган. Олий ўқув юртида ўқитган.

Ҳалима хола боқувчисини йўқотган Сардор деган болани ҳам тарбиялаган, вояга етказган саховатли аёл. Сардор ҳам спортнинг шайдоси. Полвон. Клубимиз аъзоси. Вилоят чемпиони.

Мен ҳам Манзура опамдек интилувчан, Ҳалима холадек бағрикенг, яна бир устозим — клубимизнинг 85 ёшли раҳбари Хақберди бобо Норбоевдек чарчамас-толмас инсон бўлгим келади. Клубимизга 100 га яқин болалар, ўсмирлар қатнайди.

Спортда юқори марраларга интилиш, чемпионликни орзу қилиш — ўз йўлига. Аввало, бизга ана шундай клубларни очиб бериб, шароитларни муҳайё қилиб қўйган, иссиқ-совуғимиздан ҳамиша ташвиш тортиб турган юртга — она-Ватанимизга муносиб фарзанд бўлсак, унинг корига ярасак, деймиз.

**Саломат МУҲАММАДИЕВА,**
**Ўзбек кураши бўйича республика чемпиони.**

## КАСБ ТАНЛАШ ФАСЛИ

**Ўз ишини топа олган одам саодатлидир. Касб-коридан кўнгли мунаввар инсоннинг мақсад-муродлари ҳам мусаффо бўлади. Қайси бир донишманд айтган бу гап ҳаммага, айниқса, биз ёшларга тегишли. Зеро, ёшлик, бу — касб танлаш фасли. Билим-малака тўплаб, бахтли ҳаётга мустаҳкам замин яратиш даври. Мустақил Ўзбекистонимизда биз, ёшларнинг шу йўналишдаги интилишу изланишларимизга кенг шароитлар яратилаётгани, ғамхўрлик кўрсатилаётганини эъзозлашимиз, қадрига етишимиз жоиз.**

Ёшларга меҳрибонлик кўрсатишда Ўзбекистонимизга етадиган мамлакат йўқ, деб биламан. Президентимизнинг "Барчамиз ўзимизнинг муқаддас ота-оналик бурчимизни жондан азиз фарзандларимизни нафақат ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб ўстириш, шу билан бирга, уларни ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб, энг замонавий, биз яшаётган XXI аср талаб қилаётган интеллектуал билим ва бойликка эга бўлган инсонлар бўлиб ҳаётга кириб боришини таъминлашда кўришимиз ҳам қарз, ҳам фарздир", деган гапларининг ҳаётийлигини, амалдаги ифодасини ҳар қадамда ҳис қилиб турамиз.

Шу ҳиссиётлар даъвати билан мен ўзим яшаб турган Ўзбекистон беш йиллиги маҳалла оқсоқолларининг маслаҳатларига таяниб, "Ёш тадбиркор камолоти — қишлоқ тараққиёти кафолати" лойиҳаси доирасида қишлоқда сервис соҳасини ривожлантиришга қизиқиб қолдим.

Қишлоқнинг ўзига яраша муаммолари бор. Бу хизмат кўрсатишни мувофиқлаштиришда, иқтидорларга кўмаклашиш, лойиҳаларни кредитлаш ёки қўллаб-қувватлашдаги узилишларда кўзга ташланади. Масалан, бизда иссиқхона зироатчилиги, томорқа хўжалиги яхши йўлга қўйилган. Бу соҳага, айниқса, ёшларимизнинг қизиқиши алоҳида. Энди шунга қўшимча ўғит дўкони, уруғчилик ва бошқа тармоқлар бўйича маслаҳат марказлари ишлаб турса, деҳқон интернет хизматидан фойдаланиб, ўзига тегишли бизнес оламининг ахборотидан баҳраманд бўлса, нур устига аъло нур бўлади.

Хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришни касаначилик асосида ташкил этиш айни муддао. Маҳалламиз катта — 6100 нафар аҳоли яшайди. Хонадонларда ҳунармандчилик, чеварлик ва бошқа юмушларни ташкил этиш мумкин. Хонадони обод, одамлари меҳнатсевар қишлоқнинг маданияти юксалади. Ёшлари ижодга, яратувчанликка ўрганади.

Республика танловида лойиҳам яхши баҳоланганидан, "Қишлоқда сервис соҳасини ривожлантириш" номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритганимдан мамнунман. Танловнинг рағбатлантирувчи мукофоти ҳисобидан компьютер, сканер, нусха кўчириш техникаларини харид қилдик. Бу техникалардан фойдаланиш бўйича ўқув машғулотларини ташкил этдик. 15 сотих ташландиқ ерни кўчатзорга ва турли хил гул уруғларини кўпайтириш масканига айлантирдик. Энди сартарошлик, этикдўзлик, темирчилик иш ўринларини очамиз. Ҳар бир оила, ҳар бир хонадон касаначи бўлади. Яқин 2-3 йилда маҳалламизда 300 та иш ўрни яратилади.




Хуллас, тўгаракларимиз кундан-кунга изланувчан ёшлар билан кенгайиб бормоқда. Уларнинг истеъдоди, иқтидори юз очмоқда. Муҳими, қишлоқ аҳли, ота-оналаримиз бу ишларимиздан хурсанд. Уларнинг мададидан қувват олиб, қишлоғимизнинг файзига файз қўшаверамиз.

**Тўлқин МАРДОНАҚУЛОВ.**
Қумқўрғон тумани

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 303. 53486 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.05 Топширилди — 22.50 1 2 3 5